HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

# TOSHKENT HAQIQATI

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 28-sentyabr / SHANBA / № 76 (13735)




## Вилоят бўйлаб

**БЎСТОНЛИҚ туманида** "Бутунжаҳон тозалик куни" муносабати билан "Ҳаёт учун жой ажратинг" шиори остида оммавий плогинг эко-акцияси ташкил этилди. Акция доирасида туман ҳудуди чиқиндилардан тозаланиб, ободонлаштирилди.



**БЕКОБОД туманидаги** Фарҳод номли маҳаллада туман ҳокими Ш.Дўсбеков ҳамда мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирокида фуқаролар билан сайёр қабул ўтказилди. Унда фуқароларнинг муаммо ва таклифлари тингланди. Мурожаатларни ҳал этиш юзасидан тегишли ташкилот раҳбарларига топшириқлар берилиб, ижроси назоратга олинди.



**ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ туманининг** "Тоштўғизоқ" маҳалласида жойлашган "AGAT" ичимлик суви ишлаб чиқариш заводи томига 100 кВт.лик қуёш панеллари ўрнатилди.



**ЯНГИЙЎЛ туманининг** "Дархон" маҳалласида "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида иссиқхона ишини йўлга қўйган фуқаролар 97 фоизга етди. Айни пайтда гулчилик билан шуғулланадиган 375 хонадонда 200 турдан ортиқ гул парваришланмоқда.



**ЧИНОЗ туманида** ФВБ томонидан оталиққа олинган ёшлар билан "Юртнинг кучи – бирликда, қадри эса тинчликдадир!" шиори остида Фавқулодда вазиятлар вазири кубоги мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди. Мусобақада А.Темур номли маҳалланинг ёшлар жамоаси 1-ўринни эгаллаб, вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.



**Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида Чирчиқ давлат педагогика университетининг Мактабгача таълим факультети биноси фойдаланишга топширилди.**



Туҳфа

# Кадрлар тайёрлашда инновацион ёндашув




Очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, мактабгача таълим йўналишида малакали кадрлар тайёрлашга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шароитлар ҳақида гапиришди.

Айтиш жоизки, Мактабгача таълим факультетида сиртқи, кечки ва кундузги таълим йўналишларида 3 мингдан зиёд талабага 50 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар дарс беришмоқда.

Янги бинонинг таъмири учун қарийб 23 миллиард сўм маблағ сарфланди ва замонавий жиҳозланиб, талабаларнинг сифатли таълим олишлари учун зарур шароитлар яратилди.

Шу куни университет қошидаги инновацион боғча лабораториясининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Мазкур лаборатория Марказий Осиёда ягона бўлиб, мактабгача ёшдаги кичкинтойларни жисмоний ҳамда ақлий ривожлантириш, саломатлигини сақлаш, соғлом овқатлантириш бўйича тарғибот олиб бориш, шу билан бирга, педагог ва ота-оналарга бола тарбияси бўйича илмий тадқиқотларга асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажаради.

*Жалолиддин ЭСОНОВ*
*/"Тошкент ҳақиқати"/ олган суратлар*

Яхши хабар

**Бўка туманида Адлия бўлимининг IT-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган 2 қаватли янги биносининг очилиш маросими бўлди.**

# Тезкор, шаффоф ва сифатли






Туман марказида замонавий ва миллий шаҳарсозлик нормаларига мувофиқ қад ростлаган иншоотда фуқаролар ва тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратилган бўлиб, тезкор, шаффоф, сифатли давлат хизматлари ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади.

Жумладан, янги бинода мурожаатчиларга бир вақтнинг ўзида 360 дан ортиқ турдаги хизматлар кўрсатиш, электрон навбат тизими, ахборот киоскаси, электрон хизматлардан мустақил фойдаланиш ҳамда мини-кутубхона ташкил қилинган. Марказ бир кунда 400 нафарга яқин фуқарога давлат хизматлари кўрсатиш қувватига эга.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги**
**Ахборот хизмати**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

# БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Экологик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан бир мандатли сайлов округлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 16 ва 40-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бир мандатли сайлов округлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар иловага мувофиқ рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби (Х. Маматов):

ушбу қарорнинг кўчирмасини ҳудудлар кесимида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссиялари томонидан маҳаллий матбуотларда эълон қилинишини;

мазкур қарор нусхасини сиёсий партияларга юборилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари Б. Кучкаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси** **З. НИЗАМХОДЖАЕВ**

*2024 йил 20 сентябрь*

***Номзодлар рўйхати билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишинг.***

SAYLOV 2024 27-OKTABR MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.**

**Газетамизнинг бугунги сонида Ўзбекистон Либерал демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши номидан "Эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз" ҳамда "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши номидан "Қудратли давлатга таянган, қонунлари миллий ва умуминсоний қадриятларга уйғун, инсон қадри баланд, фаровон жамият қуриш – бош мақсадимиз" сарлавҳали мақолалар чоп этилмоқда.**

***3-саҳифага қаранг.***

# Халқаро кузатувчилар Тошкент вилоятида

**Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси Кенгаши бош котиби маслаҳатчиси Сергей Караваев ва мазкур ташкилотнинг эксперти Станислав Ткаченко Тошкент вилояти ҳудудий сайлов комиссияси фаолияти билан яқиндан танишди.**



Халқаро кузатувчилар Нурафшон шаҳрида жойлашган бинода яратилган шароитлар, хусусан, сайлов стендлари, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича харита, фуқароларни қабул қилиш хонаси, комиссия аъзолари хонаси, матбуот марказини кўздан кечиришди.

Шунингдек, жойларда сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ташкилий ишлар юзасидан комиссия раиси Улуғбек Тўхтаев ва аъзолардан атрофлича маълумот олишди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда жорий йилнинг 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловини юқори савияда ўтказишга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Шу жумладан, Тошкент вилоятида ҳам муҳим сиёсий кампанияга тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан давом этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига Тошкент вилоятида бир мандатли 7 та сайлов округи тузилди ҳамда Республика партия Кенгашлари томонидан 35 нафар номзод кўрсатилди. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига 60 та сайлов округлари тузилди ва ҳар бирида 5 та партиядан 300 нафар номзод кўрсатилди. Шаҳар-туманларда депутатликка жами 530 та ўрин белгиланган бўлиб, тўлиқ номзодлар тақдим этилди. Ҳудуд бўйича жами 1 минг 6 та сайлов участкаси тузилди.

Ўтган давр мобайнида сайлов қонунчилиги бўйича бириктирилган тренерлар томонидан туман ва шаҳарлардаги участка сайлов комиссиялари раиси, раис ўринбосари ва котибларига ўқув машғулотлари ўтказилиб, малакаси оширилди.

Шунингдек, халқаро кузатувчилар ҳудуддаги сайлов участкаларида яратилган қулайликлар билан ҳам танишишди.

**Нигора ЎРОЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

Муаллимлар ҳақида ҳикоялар

***Яратган инсонга шундай куч ва ирода ато этганки, у ҳатто тақдир тақозоси билан бошига бирор ташвиш тушган онларда ҳам бахт сари интилишдан тўхтамайди. Бу ташвишлар ҳам бежизга эмасдир, улар ортида ҳам яхшилик бордир, дея умид қилади.***

# Басталанмай қолган бахт куйи



Суҳбатдошимиз Саидхўжа Кабиров Янгийўл туманида истиқомат қилади. Ҳар гал у киши билан суҳбатлашганимда Саидхўжа ака юртимиздаги энг бахтли инсонлардан бири бўлса керак, деган фикр хаёлимдан ўтаверади. Агар сиз ҳам етмишлардан ошган, қирқ йилдан зиёд умрини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаган бу одам билан бир марта гурунглашсангиз, шундай хулосага келишингиз табиий.

Саидхўжа ака билан "Янгийўл" газетасида ишлаб юрган йилларим танишган эдим. Санъатнинг ҳақиқий шайдоси бўлган бу мусиқа домласи билан кейинчалик анча қадрдонлашиб кетганмиз. Ўқитувчилар байрами арафасида у кишини йўқлаб бордим.

**– Домла, беш нафар фарзанднинг отаси, ўндан ортиқ невараларнинг бобосисиз. Минглаб шогирдларга устозлик қилгансиз. Сизнинг эмас, эндиликда ўғлингиз Сайдуллонинг ҳам шогирдлари халқаро танловларда муносиб иштирок этишмоқда. Лекин бу гал сизни жудаям зў-ўр кайфиятда кўрмадим...**

– Тўғри, таним соғ, болаларим, невараларим ардоғида кексалик гаштини суриб юрибман. Аммо гоҳида ён-атрофдаги баъзи бир воқеалардан дилим ранжийди. Аслида инсон кўнгли бир боғга ўхшар экан. Бу боғни бўстонга айлантириш учун қанчадан-қанча меҳнат қилиш, машаққат чекиш зарур. Бироқ уни вайрон қилиш учун эса нодоннинг бир лаҳзалик ножўя ҳаракати кифоя бўлар экан.

Ёдимда, 1979 йили отамни кўчада машина уриб кетган эди. Ўша пайтларда етти нафар ука-сингилларимнинг бари ёш, қўлидан бир иш келмайдиган пайт. Йўқчилик ёмон бўларкан. Қўлимда пул йўқ. Дўконларда ҳатто кафанликка ҳам оқ сурп топиш амри маҳол пайтлар эди. Гарангсиб қолган шундай кунларимда қўшним Маҳмуджон ака Комилов менга кўп ёрдам қилган. Унинг аёли Тамара келинойим эса ўзи ишлайдиган дўкондан оқ сурп топиб берган эди. Уйимда шароит бўлмагани учун Маҳмуджон аканинг кўмаги билан отамни амакимнинг уйидан чиқариб, дафн қилдик. Ўшанда бу инсонларнинг савоб ишлари дилимга муҳрланди. Насиб этса, бу яхшиликларини ортиғи билан қайтаришни ният қилдим. Йиллар ўтди. Қарангки, қариганда Маҳмуджон ака ва аёлининг кўзлари ожиз бўлиб қолди. Уларга қараб туришга бир одам керак эди. Шундоққина қаршисидаги уйда яшаганимиз учун мен ва оиламдагилар бу юмушни бажаришга қарор қилдик. Бошимга оғир кунлар тушганда қилган яхшиликлари учун бу хизматларни сидқидилдан қилар эдим.

**(Давоми 4-саҳифада)**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг*
*2024 йил 20 сентябрдаги*
*1378-сон қарорига*
*ИЛОВАДАН КЎЧИРМА*

# Бир мандатли сайлов округлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар

| Тошкент вилояти | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **Фамилияси, исми, отасининг исми** | **Туғилган йили** | **Партияга мансублиги** | **Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими** | **Яшаш жойи** | **Номзод кўрсатган органнинг номи** |
| **44-Тошкент вилояти сайлов округи** | | | | | |
| Ахмедова Дилфуза Муталовна | 1967 | Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси | Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Олмалиқ шаҳар бўлими директори | Тошкент шаҳри, Бектемир тумани | Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси |
| Исамухамедов Хикматжон Балтабаевич | 1964 | Ўзбекистон Экологик партияси | Ўзбекистон Маҳаллалар уюшмасининг Пискент тумани бўлими бошлиғи | Тошкент вилояти, Қибрай тумани | Ўзбекистон Экологик партияси |
| Пак Виктор Николаевич | 1958 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қўмита аъзоси | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси |
| Уразова Угилой Ашуралиевна | 1986 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси бўлими бошлиғи | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| Хўжаева Шахноза Абдурахмоновна | 1976 | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси | Тошкент вилояти ҳокими маслаҳатчиси | Тошкент вилояти, Паркент тумани | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси |
| **45-Тошкент вилояти сайлов округи** | | | | | |
| Касимова Кизилгул Эрматовна | 1963 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қўмита аъзоси | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| Комилова Нилуфар Нишанбаевна | 1979 | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси | Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти Кенгаши раиси | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси |
| Мадиярова Шохиста Азизматовна | 1967 | Ўзбекистон Экологик партияси | Тошкент вилояти хотин-қизлар тадбиркорлик маркази директори | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри | Ўзбекистон Экологик партияси |
| Мирсултонов Миразиз Бахром ўғли | 1990 | Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси | Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи | Тошкент вилояти, Қибрай тумани | Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси |
| Худайбердиев Улуғбек Абдухакимович | 1988 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси | Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси бош мутахассиси | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси |
| **46-Тошкент вилояти сайлов округи** | | | | | |
| Бакиров Шавкат Саймуратович | 1984 | Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси | “Ўзбектелеком” акциядорлик жамияти директори | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси |
| Буриев Абдуманноп Абдурахматович | 1986 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси | Фарғона вилояти адлия бошқармаси бошлиғи | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси |
| Жўраев Анвар Абдумуротович | 1979 | Ўзбекистон Экологик партияси | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент вилояти Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани | Ўзбекистон Экологик партияси |
| Мирхомидов Миржавхар Мирмахмуд ўғли | 1992 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | «Ҳудудгазтаъминот» акциядорлик жамияти директорининг биринчи ўринбосари – бош муҳандис | Тошкент вилояти, Паркент тумани | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| Холмуминова Лола Хушбаковна | 1972 | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси | Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Тошкент вилояти Кенгаши раиси ўринбосари | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси |
| **47-Тошкент вилояти сайлов округи** | | | | | |
| Эрмухамедова Кифоят Мансуровна | 1970 | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси | Тошкент вилояти ҳокимлиги бўлим бошлиғи | Тошкент шаҳри, Сирғали тумани | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси |
| Ҳайдаров Шухрат Холмуродович | 1979 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | Тошкент вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи | Жиззах вилояти, Дўстлик тумани | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| Мухитдинов Азизбек Адилович | 1989 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси | «Тошкент трактор заводи» масъулияти чекланган жамияти бош директори | Тошкент шаҳри, Сирғали тумани | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси |
| Ходжаева Мохира Мирзахмадовна | 1966 | Ўзбекистон Экологик партияси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қўмита аъзоси | Тошкент шаҳри, Миробод тумани | Ўзбекистон Экологик партияси |
| Зухриддинов Козимжон Низомиддин угли | 1987 | Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси | «Ўсимликлар технологияси» масъулияти чекланган жамияти директори | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани | Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси |
| **48-Тошкент вилояти сайлов округи** | | | | | |
| Иномхужаев Зафар Уткирович | 1977 | Ўзбекистон Экологик партияси | «Ўзбеккўмир» АЖ бош муҳандиси | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри | Ўзбекистон Экологик партияси |
| Кулбекова Насиба Закировна | 1983 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | Тошкент вилояти Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси бошлиғи | Тошкент шаҳри, Сирғали тумани | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| Расулов Алибек Мустафакулович | 1985 | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси | Тошкент вилояти Маданий мерос бошқармаси бошлиғи | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси |
| Салиев Сайдулла Инаятиллаевич | 1988 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси | «БОНИТО ГРОУП» МЧЖ директори | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси |
| Халбаева Дилрабо Джурабековна | 1979 | Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қўмита аъзоси | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | Ўзбекитон “Адолат” социал-демократик партияси |
| **49-Тошкент вилояти сайлов округи** | | | | | |
| Элманов Хаким Шарипович | 1979 | Ўзбекистон Экологик партияси | «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси департаменти бошлиғи | Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани | Ўзбекистон Экологик партияси |
| Камалов Рустам Жамалович | 1974 | Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг Тошкент вилоятидаги минтақавий вакили | Тошкент шаҳри, Янгиҳаёт тумани | Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси |
| Миргазиева Зухра Тураевна | 1978 | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси | Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи | Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси |
| Ортиқбоев Отабек Музаффар ўғли | 1991 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси | Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси |
| Рахматуллаева Феруза Назруллаевна | 1959 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари | Тошкент шаҳри, Миробод тумани | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| **50-Тошкент вилояти сайлов округи** | | | | | |
| Фазилова Мамура Рузалиевна | 1969 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | Тошкент вилояти Янгийўл Агротехнологиялар техникуми директори | Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |
| Исламов Сохиб Яхшибекович | 1980 | Ўзбекистон Экологик партияси | Тошкент давлат аграр университети биринчи проректори | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | Ўзбекистон Экологик партияси |
| Тожиев Одилжон Фотиҳжон ўғли | 1984 | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси |
| Халилова Мамура Файзулла қизи | 1992 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси | Тошкент шаҳар спорт бошқармаси шўъба бошлиғи | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси |
| Худайбердиев Санжарбек Явкочович | 1981 | Партиясиз | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси бошлиғи | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси |

# ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ҚУДРАТЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ!

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси шу йилнинг 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган юртимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга сайлов жараёнларида “Ваъда эмас – натижа, эртага эмас – бугун!” шиори остида янги ғоялар, янгича қарашлар билан иштирок этмоқда.**

O‘ZLIDEP

Ушбу сайлов “Менинг танловим – обод Ватаним!” шиори остида старт олганида ҳам улкан маъно-мазмун мужассам.

### I. БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОРҚАЛИ ҲАР БИР ИНСОН, ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШАМИЗ

O‘zLiDeP келгуси 5 йилда иқтисодиётда **нодавлат сектор** улушини **85 фоизга** етказиш бўйича барча зарурий чораларни кўриш, **давлат улуши мавжуд корхоналар** сонини **6 баробарга** камайтириш, шунингдек, давлат харидларида шаффофликни ошириш ва кичик бизнес иштирокини янада кенгайтириш мақсадида **“Давлат харидлари тўғрисида”ги** Қонунни изчил такомиллаштириш бўйича ўз ташаббус ва таклифларини бермоқда.

O‘zLiDePнинг янги сайловолди дастурида д**авлат-хусусий шериклик** лойиҳаларини сув хўжалиги, экология, энергетика ва бошқа соҳаларда кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, иқтисодиётнинг драйверларидан бири бўлган туризм-сайёҳлик индустриясини кенгайтириш, **“Агротуризм – 2030”** стратегиясини ишлаб чиқиш, **Оролбўйида экотуризмни** ривожлантириш масалалари ҳам муҳим вазифа этиб белгиланган.

**Қишлоқ хўжалиги**га мўлжалланган ер участкаларини ҳақиқий бозор активига айлантириш, ижара ҳуқуқини бўлиб сотиш, ундан гаров предмети сифатида фойдаланишнинг қонуний базасини такомиллаштириш, рақамли иқтисодиёт, инновацияларни ривожлантириш, **сунъий интеллект**дан унумли фойдаланишни рағбатлантирувчи ҳуқуқий ва молиявий шароитларни яратишга оид истиқболли таклиф илгари сурилади.

Камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларни кучайтириш учун ҳар йили камида **500 минг барқарор иш жойлари**, **бир миллион оила аъзосига даромадли меҳнат** учун шароит яратиш, мономарказлар ва нодавлат таълим муассасалари орқали касб-ҳунарга ўқитиш кўламини **беш баробарга ошириш**, бир миллион фуқарога меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни ўргатиш назарда тутилмоқда. Натижада, **ишсизликни энг паст даражасига тушириш** имкони туғилади.

**Ижтимоий тадбиркорлик** соҳасидаги фаолият учун молиявий пакетлар, жумладан, мол-мулк ва ер солиғидан имтиёзлар жорий этиш, оғир вазиятга тушиб қолганлар учун **кафолатланган тарзда кредит таътиллари** бериш борасида таклифлар ҳам электоратга маъқул келиши табиий.

**Ижтимоий тадбиркорлик** соҳасидаги фаолият учун молиявий пакетлар, жумладан, мол-мулк ва ер солиғидан имтиёзлар жорий этиш, оғир вазиятга тушиб қолганлар учун **кафолатланган тарзда кредит таътиллари** бериш борасида таклифлар ҳам электоратга маъқул келиши табиий.

Яна бир муҳим ғоя – саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш ва **2,5 миллионта юқори даромадли иш ўринларини** яратиш бўйича барча зарур чоралар кўрилиши билан боғлиқ.

### II. СИФАТЛИ ТАЪЛИМ, ТИББИЁТ ВА КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИ ТАЪМИНЛАЙМИЗ

Янгиланган Конституцияда Ўзбекистон “**ижтимоий давлат**” деб эълон қилиниши билан унинг ижтимоий мажбуриятлари **уч баробар**га кўпайди.

Шуни инобатга олган ҳолда, кейинги беш йилда фарзандларимизнинг мактабгача **таълим билан қамров даражасини 100 фоизга** етказиш, **педагог ходимларнинг ўртача иш ҳақини 2 баробар ошириш** чораларини кўриш, нодавлат мактабларни кўпайтириш учун қўшимча рағбатларни жорий этиш вазифалари дастуримиздан ўрин олган.

Профессионал таълим тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, 2030 йилгача битирувчиларни **олий таълим билан қамраб олиш кўламини 50 фоизга етказиш** назарда тутилган. Илм-фанга йўналтирилган маблағларнинг ЯИМдаги улушини 2030 йилга бориб **10 баробаргача ошириш** таклиф этилади.

Тиббиёт соҳасида 2030 йилга қадар ажратиладиган йиллик маблағлар ҳажмини 2 карра ошириш, **тиббий суғурта** тизимини тўлақонли жорий этиш, нодавлат тиббиёт муассасаларининг рухсат бериш ва лицензиялаш тартибини соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Дастуримиздан фуқароларни мақбул уй-жой билан таъминлаш, хусусан, зарур маблағларни йўналтирган ҳолда ва хусусий секторни кенг жалб этиб, **бир миллион хонадонли уй-жойлар** қурилиши ўрин олган. Амалиётда ўзини оқлаган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” лойиҳаларини янгича мазмун билан давом эттириш тарафдоримиз.

Бундан ташқари, даромади нисбатан кам бўлган аҳоли тоифаларини манзилли қўллаб-қувватлаш, хусусан, маош олувчи фуқароларни меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **3 баробаригача** (3 миллион 150 минг) **даромад солиғидан озод этиш** ташаббусини илгари сурамиз.

**Электр истеъмоли** бўйича **ижтимоий нормалар** мавсумийлик, хонадон ҳисоби ва ижтимоий ҳимоя реестрига кирганлик мезонлари асосида ўрнатилишини таклиф этамиз.

Дастуримизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишсиз қолган **ёш болали аёлларни ишсизликдан суғурталаш** тизимини жорий қилиш масалалари ҳам кўзда тутилган.

### III. АҲОЛИГА ҚУЛАЙ АТРОФ-МУҲИТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТАМИЗ

Дастуримизда яшил энергетикани кўпайтиришга устувор аҳамият берилган. Республикада муқобил энергияни **2,5 баробарга** ошириб, умумий энергиядаги улушини 40 фоизга етказиш борасида катта марра олинган.

Саноатда **“яшил сертификат”лар** бозори яратиш, қурилишда энергия самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида агровольтаикалар амалиётини кенг жорий қилиш таклиф этилади.

Барча ҳудудларда ҳавони яхшилаш бўйича **“Мусаффо ҳаво – 2030” миллий дастурини** қабул қилиш, яшил майдонларни кўпайтириш, экологик тоза транспортлар учун зарур инфратузилмани ривожлантириш ташаббусини олиб чиқамиз.

### IV. ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ АДОЛАТЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТАМИЗ

Жамиятимизда **“Қонун ва адолат устувор”**, **“Жиноятга жазо муқаррар”** принципларини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар **фақат халқ манфаати йўлида** хизмат қиладиган идораларга айланиши учун куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Маҳаллаларни обод қилиш, аҳоли турмушини янада яхшилаш мақсадида **“Ташаббусли бюджет”га** бериладиган маблағлар **3 карра оширилишини** кун тартибига чиқарамиз.

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигига раҳна соладиган онлайн-фирибгарлик ва **кибержиноятлардан ҳимоя** қилиш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқамиз. Адвокатларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолияти такомиллаштирилади.

Партиямиз **сўз эркинлигини** таъминлаш ва **мустақил нодавлат матбуот тизимини ривожлантириш** жараёнини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Коррупцияга қарши муросасиз курашни изчил давом эттириш, бу борада **2030 йилгача мўлжалланган Миллий стратегияни** қабул қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

### V. МАМЛАКАТИМИЗ СУВЕРЕНИТЕТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ КАФОЛАТЛАЙМИЗ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари билан дўстона, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга доир саъй-ҳаракатлари натижасида минтақада сиёсий мулоқот ва ўзаро ишонч мустаҳкамланди.

Ўз навбатида, Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика ва транспорт, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқилиши партиямиз диққат марказида бўлади. Хусусан, қўшни Афғонистон заминида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасидаги ишлар узлуксиз давом эттирилиши чораларини кўрамиз.

Бундан ташқари, **Ташқи меҳнат миграцияси тизимини** ислоҳ қилиб, хорижга ишлаш учун бораётган фуқароларимизни **касбга ва чет тилларига ўқитиш кўламини** кенгайтириш, хорижда ишлаб юрган юртдошларимиз учун, аввало, **Ўзбекистонда ишлаб**, **муносиб иш ҳақи** олишлари учун имконият яратиш партиямиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Қуролли Кучларимизнинг қудрати, мудофаа қобилиятимиз ва ҳарбий салоҳиятимизни янада ошириш мақсадида миллий армиямизни 2030 йилга қадар энг замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминлашни қўллаб-қувватлаймиз.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда муваффақиятли иштирок этиш ва кўзланган натижаларга эришиш учун юртимиз сиёсат саҳнасида жуда кенг имкониятлар, O‘zLiDeP фаолларида эса етарли куч, тажриба ва салоҳият бор.

**Биз учун энг муҳими: ваъда эмас – натижа, эртага эмас – бугун!**

**Мавлуда ХОДЖАЕВА,**
**Сардор ҒИЁСОВ,**
**ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосарлари**

**Биз учун энг муҳими: ваъда эмас – натижа, эртага эмас – бугун!**

---

**“Миллий тикланиш” демократик партияси халқимиз манфаатлари, партиянинг ғоя ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурини ишлаб чиқди ва сайловчилар эътиборига ҳавола этди.**

# “ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТГА ТАЯНГАН, ҚОНУНЛАРИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА УЙҒУН, ИНСОН ҚАДРИ БАЛАНД, ФАРОВОН ЖАМИЯТ ҚУРИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ!”

“MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

### ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ – МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Партиянинг **Сайловолди дастури**да ўтган йиллардаги тажриба ва ҳаёт талабидан келиб чиқиб, миллий тарбия асослари ва миллий таълим дастурларини ривожлантириш учун **“Янги авлод тарбиячиси ва педагогларини тайёрлаш Давлат дастури”**ни қабул қилиш, шунингдек, **педагогикага лаёқати бор мактаб битирувчиларини саралаш ва давлат буюртмаси асосида ўқишини ташкил этиш,** уч ёшгача бўлган болалар учун уларнинг ёшига мос **миллий видео маҳсулотлар контентини яратиш,** тарбиячи ва ўқитувчиларни ишга қабул қилиш ва уларнинг олдинги иш фаолиятини ўрганиш, **психологик тестлардан ўтказиш тартибини жорий этиш** ҳамда ўқувчиларнинг сифатли таълим олишлари учун малакали педагог кадрларни саралаб олиш мақсадида мактабларда **педагогларни танлов асосида ишга қабул** қилишнинг шаффоф тизимини жорий этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

### МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ, МАДАНИЯТ СОҲАСИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРАМИЗ

Партия дастурида **“Қадриятларга таянган тараққиёт”** шиори остида миллий қадриятларни сақлаш ва тараққиётни таъминлаш мақсадида **миллий маданият ва маънавиятни ривожлантириш, қадриятларни сақлаш ва бойитишга** алоҳида эътибор қаратиш билан бирга, **маданий мерос муҳофазаси, ундан фойдаланиш, ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратишни** асосий вазифа сифатида белгилаб олди. Шунингдек, партия ўзбек тилининг нуфузи ва обрўсини сақлаш юзасидан **давлат тили мақомини ошириш, кенг тарғиб этишга** алоҳида эътибор қаратади.

Ушбу йўналиш доирасида партия маданий меросимизни асраб-авайлаш, ундан эҳтиёткорона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, **маданий мерос объектларини ижарага бериш тизимини тартибга солиш** ташаббусини илгари сурмоқда. Дастурда **“Давлат тили ҳақида”ги** қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.



### ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ, АЁЛЛАР ВА ЁШЛАРГА МУНОСИБ ШАРОИТЛАР ЯРАТАМИЗ

Партия оила шаъни ва шавкати ҳимоячиси – **эркакларнинг оиладан, бола тарбияси**дан **узоқлашишининг** олдини олиш, “**Оталар куни” – ижтимоий-сиёсий кун** сифатида байрам қилинишини жорий этишни таклиф қилмоқда.

Биз жамиятнинг барча жабҳаларида аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини янада оширишни қўллаб-қувватлаймиз. Бу борада меҳнат жамоаларида гендер тенглигини таъминлашга оид таълимни ривожлантириш, **мослашувчан иш вақтини** жорий қилиш, аёлларнинг оилада **кўпроқ бўлишлари** учун шароитлар яратиш ва талаба оналар фарзандлари учун олий таълим муассасалари ҳузурида **махсус болалар хоналари** ёки **боғчалар** ташкил этиш каби ташаббусларни илгари суряпмиз.

Шу ўринда партиянинг **никоҳдан ажралишлар** оқибатида **уй-жойсиз қолган аёллар** ва уларнинг фарзандлари манфаатларини **ҳимоя қилиш ташаббуси** давр талабига айланди десак, муболаға бўлмайди.

Партия шуларни инобатга олиб, **“Ёш миллатпарварлар”** шиори остида ёшларнинг бирлашиши, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбия топиши, қалбида шу юрт фарзанди эканлиги ҳамда халқимизнинг буюк тарихи ва бой маданий меросидан фахрланиш туйғусини изчил шакллантириш тарафдоридир.

### МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРАМИЗ

**Миллий иқтисодиёт** ва унинг асосий драйверларидан бири бўлган **туризмни ривожлантириш** ҳам асосий мақсадларимиздан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, **бозор иқтисодиёти** асосларини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётда **эркин бозор муносабатларини** шакллантириш, замонавий, адолатли **пенсия** ва **тиббий суғурта** тизимларини яратиш сингари ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Иқтисодий рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда маҳаллий ишбилармонлар ва тузилмалар манфаатини **оқилона ҳимоя қилиш** бозор муносабатлари шароитида **“Саховатли тадбиркор”** ва **“Ҳалол мансабдор”** мезонлари асосида фуқароларни рағбатлантириш ва уларни кенг **жамоатчиликка таништириш** орқали жамиятни қадриятлар атрофида **бирлаштириш** каби партия дастуридаги вазифаларни миллий иқтисодиёт ва туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида баҳолаш мумкин.

### МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ЖАМИЯТ БАРПО ЭТАМИЗ

Давлат бошқаруви ва жамоатчиликда қонунийликнинг устуворлиги бу миллий тараққиётимиз кафолати, аслида. Шундан келиб чиқиб, партия **қонун устуворлиги давлат бошқарувининг асосий тамойили бўлиши лозим,** деб ҳисоблайди. Бунда, айниқса, қонун олдида барчанинг тенглиги, давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари ишлашини таъминлаш энг муҳим жиҳатдир. Шу билан бирга, **суд тизимида адвокат ва прокурорнинг тенг ҳуқуқлилиги** адолатли суд жараёнларини таъминлашга имкон беради. Натижада, давлатнинг ҳуқуқий тизими фуқаролар учун таянчга айланади.

“Миллий тикланиш” Парламент **ва сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириб боришга** алоҳида эътибор қаратади. **Давлат бошқарувида парламентнинг ролини кучайтириш**, **қонун ижросини назорат қилиш,** давлат ҳамда ижроия органлари фаолияти шаффофлигини таъминлаш давлатнинг барқарор ва адолатли ривожланишини таъминлайди. Бунда асосий мақсад – **ҳукумат фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш** ва ҳар бир қонуннинг ҳаётга тўғри татбиқ этилишини кафолатлашдир.

Бундан ташқари, дастурда **оилавий низоларни кўриб чиқиш бўйича судьяларни ихтисослаштириш** ишларини давом эттириш, **яраштирув институтининг** қўлланиш доирасини **томонлар розилиги билан кенгайтириб бориш**, оила, мерос, уй-жой даъвоси ва турмушдаги бошқа низоларни ҳал этишда **қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда муроса** йўлини излаш, ишларни **судгача олиб бормаслик** каби вазифалар белгиланган.

### ХАВФСИЗЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

Партиямиз хавфсиз миллий ахборот маконини ривожлантириш масаласига **“XXI аср – ахборот асри”** эканлигидан келиб чиқиб ёндашади ва **“Янги Ўзбекистоннинг ахборот сиёсати” концепцияси** ва унинг асосида **“Ахборот хавфсизлиги” доктринаси**ни ишлаб чиқиш ташаббусини илгари суради.

Партиямиз **“Биз – бирмиз, Ўзбекистонликмиз!”** ғоясини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг тинч ва фаровон ҳаёти ҳамда бирдамлигини мустаҳкамлаш, уларни дўстлик, аҳиллик, ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъуллик ва дахлдорлик туйғуси атрофида жипслаштиришни мақсад қилган.

**Бўлиб ўтадиган сайловларда партиямиздан кўрсатилган номзодларга берган овозингиз сизнинг бизга ишончингиздир!**

**Миродил АБДУРАҲМОНОВ,**
**“Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари**

*Партиямиздан кўрсатилган номзодларга берган овозингиз Сизнинг бизга ишончингиздир!*

# Басталанмай қолган бахт куйи

1990 йилдан то умрларининг охиригача бу икки қариянинг ҳолидан хабар олиб турдик. 2012 йилнинг 15 февралида Янгийўл тумани ҳокимининг қарори билан чол-кампирга ҳомий этиб тайинландим. Тамара келинойим 2012 йилнинг 19 сентябрида, Маҳмуджон ота эса 2013 йилнинг 27 июнида оламдан ўтишди. Икки қарияни дафн қилдим ва ўз ҳисобимдан маъракаларини ўтказдим. Чол-кампир то умрлари охиригача мени ва оила аъзоларимни дуо қилиб, биздан мингдан-минг рози бўлиб кетишди.

Шундан сўнг маҳалладошлар маслаҳати билан Комиловлар яшаган, бор-йўғи 6 квадрат метрли барак уйни оиламга бириктириб беришни сўраб Янгийўл тумани ҳокими номига ариза ёздим. Мурожаатимга ўша пайтдаги ҳоким Р. Норбўтаев имзоси билан жавоб хати олдим. Унга кўра, хонадон ҳужжат бўйича Комиловлар номида бўлганлиги сабабли тегишли тартибда судга мурожаат қилишим кераклиги тушунтирилган эди. Ҳокимликдагиларнинг ҳам ёзма, ҳам оғзаки гапларига қараганда, бу иш худди хамирдан қил суғургандек осон кўринган эди. Бор-йўғи шуми деб, Янгийўл тумани адвокатураси ходими Барчиной Норматова билан шартнома тузиб, хизмати учун айтилган пулни тўладим. Унинг ёрдамида Янгийўл тумани ҳокимлиги томонидан берилган барча ҳужжатлар йиғмасини тайёрлаб, почта орқали Зангиота туманлараро судига юбордик. 2014 йили 18 март куни судга чақиришди. Аммо судда адвокатим Барчиной билан ҳокимлик юристи Камолиддин тортишиб қолишди. Кейинги суд 17 апрелга, ундан кейингиси 6 майга қолдирилди. Суд ҳокимлик фойдасига қарор чиқариб берди. Қарорда, гарчи мен марҳум Комиловларга ҳокимлик томонидан ҳомий этиб тайинланган, уларни (13 йил) парваришлаган, ғамхўрлик қилиб, дафн этган бўлсам-да, ҳуқуқий шартнома тузмаганим туфайли шикоятим рад қилинибди. Бу хамирдан қил суғуриш эмас, мендек киссаси йиртиқ ўқитувчи учун тақирдан қозиқ суғуришдан ҳам баттар юмуш бўлди.

Адвокатим кулимсираб бу ҳолатни: “Отахон, уйга туман ҳокимлиги талабгор экан”, деб соддагина изоҳлаб қўя қолди. Хўп, шундай экан, ҳокимликдагилар, судга боринг, суд ҳал қилади, деб мени ойлаб овораи-сарсон қилишининг нима кераги бор эди?

Ўша кунлари, тўғриси, дилим ранжиди. Амални деб инсофини унутган ўғлим тенги йигитларнинг муносабатидан хафа бўлдим.

**– Саидхўжа ака, судьялар айтганидек, Комиловлар ҳаётлигида улардан шапалоқдеккина васиятнома олиб қўйиш шунчалик қийинмиди?**

– Ҳа, қийин экан. Биласизми, одам ўз ота-онасидек бўлиб қолган, оғир кунда беғараз ёрдам қўлини чўзган азиз инсонлар тўшакка михланиб ётганида уларнинг кўнглини кўтариш ўрнига, “менга васиятнома ёзиб беринг” дейиш осон эмас экан. Улар қариб, ногирон бўлиб қолгач, шу хусусда ўзлари кўп гапиришди. Ўзимча ҳужжатларни расмийлаштиришни бошладим-у, аммо негадир... ўша пайтларда кўзлари кўр бўлса ҳам... кўзларига қарашга ботина олмасдим. Чол-кампир ҳадеб қистайверса-да, ҳужжатларни имзолатгани олиб кира олмадим. Ичимда нимадир: “Қўй, шу ишларни кейинроқ қиларсан” дегандек йўл бермасди. Иккинчидан, уларга бу ҳақда гап очиш менга, “Сизларни шунча йил боқдим, касалингизни даволатдим, эвазига уйларингизни берасизми?” деб ҳақ сўрашдек хунук кўринди. Қолаверса, 13 йил уларга қараганимни, туман ҳокимлиги ҳомий қилиб қўйгани, туриш-турмушимиз ҳаммага маълум, инобатга олишар деб ўйлардим. Ҳозиргидек судма-суд сарсон бўлишлар хаёлимга ҳам келмаган.

**– Орадан шунча йил ўтибди. Нега шу вақт мобайнида бу ҳақда бирор юқорироқ идорага мурожаат қилмадингиз?**

– Судда юрист Камолиддин Ҳусанбоев: “Бу уй энди ҳокимлик ихтиёрига ўтди. Туманда уйсиз бир неча етим болалар бор. Уйни улардан бирига берамиз”, деганидан кейин бирор идорага бу масалада мурожаат қилишдан ўзимни тийдим. Агар ҳокимлик вакилининг гапи рост бўлса, қариганда етим билан ер талашиб, охиратимни куйдирмай дедим-да! Аммо ёлғон бўлмасин, уч йил аввал бу уйни олишга бир етим қизчани олиб келишди. У келди-да, кулбанинг абгор аҳволини кўриб, кирмаёқ ортига қайтиб кетди. Бир йил ўтгач, Оксана Богданова деган аёлни олиб келишди. У етим қизчадек индамай қайтмади. Балки унга шундай “кошона”ни таклиф қилганларни оғзига келган гаплар билан “ҳамду-сано” қила кетди. Шундан кейин ҳам бу манзилга кўп алданганлар келиб кетди. Очиғини айтганда, сўнгги йиллар ичида бу барак ҳокимликдан уй сўраганларни қўрқитиб, “овозини ўчириш” учун “алвасти” уй вазифасини ўтаб келяпти.

Бир нарсани билиб қўйинг, дўстим, одамларнинг яхши-ёмон кунида корига яраган инсонларнинг икки дунёси обод. Аммо юртнинг катталари юртим деб юраги ёнганда кеча коллеж ёки институтни амаллаб тамомлаб масъул вазифани эгаллаб олган бир “тўрача”нинг қабулига келган одамни менсимаганини кўриб, куйиб кетасан-да! Мендек кексаларни бўлар-бўлмасга овора қилаверишдан уларга нима наф? Ҳой барака топкур, сениям менга ўхшаган бир ота тарбия қилган, сенгаам менга ўхшаган бир муаллим ҳарф ўргатган, шуларни ҳурмати йўқми, дегим келади шунақаларга...

**– Домла, эҳтимол, улар сиздан қандайдир “сеҳрли сўз” кутишгандир?**

– Мен бутун умрини ўқитувчилик билан ўтказган оддий одамман. Катталарнинг олдига кирганда ишни битириш учун қандай “сеҳрли сўз” ишлатиш кераклигини билмайман. Қолаверса, мен билган жамики сеҳрли сўзларим ҳам, юрагимдаги бор яхши ибораларим ҳам ўзим яхши кўрган одамларга, мени “устоз” дея эъзозлайдиган шогирдларимга аталган.

Баъзан маҳаллада тенгқурлар билан ўтириб, гурунглашамиз. Улар ҳам сиз айтган гапни айтишади. "Э, Саидхўжа, бир умр домлалик қилиб, минглаб болаларга гап ўргатибсан-у, аммо ақлинг шу ерга келганда оқсапти. Анавилар қўлингга қараган", деб менга ўгит беришади. Э, қизиқсанлар-да, дейман уларга, мен бир оддий муаллим бўлсам. Муаллимнинг қўлларида ручка-қаламнинг қадоғидан бошқа нимаям бўларди? Имонли одам ўқитувчининг қўлларига ола қарамайди, балки шу қўллардан дуо олсам дейди, дуо... Ҳайронман, бу дунёда инсонга яхшиликдан бошқа яна нима керак ўзи? Бойлик, амал ўткинчи, умр бир лаҳзалик бўлганидан кейин ҳеч йўқса бир кишининг кўнглини ола билиш, оғирини енгил қилиш фарз эмасми?



**– Хуллас, сизни беҳуда сарсон қилган мансабдорлардан ранжибсиз-да?!**

– Аслида ҳамма айб бизга ўхшаш ота-оналар, тарбиячиларда! Агар ота-онаси болалигида ўша идорада ўтирган “тўрача”га яхши ахлоқ ўргатганида ёки муаллими сидқидилдан таълим-тарбия берганида эди, улар бунчалик кибрланиб кетмасмиди!

Тўғри, агар шу кулба оиламга насиб этганида бу ерда бир мўъжазгина ижодхона очиб қўймоқчи эдим. Келажакда хонанда-созанда бўламан деган ёшларга бу даргоҳда санъат сирларини ўргатаман, деган ниятим бор эди. Аммо ўзидан ўзгани ўйламайдиганларнинг “шарофати” билан энди бу хонадонда гўзал куйлар басталанмайди, дилтортар қўшиқлар янграмайди.

*Саидхўжа ака билан узоқ гурунглашдик. Назаримда самимий мулоқотдан сўнг унинг тунд чеҳраси анча ёришди. Ҳатто гап билан бўлиб у яшайдиган “Мустақиллик” маҳалласига кириб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Домла дарахт остидаги кичик дарвозанинг эшигини очиб, мени ичкарига таклиф қилди.*

– Қани, меҳмон, бизнинг камтарин кулбамизга марҳамат қилинг. Хонадонимиз кичик бўлгани билан кўнглимиз кенг!

*Ҳовлига қадам қўйдим-у, атрофга разм солдим. Кафтдеккина ҳовли. Унда битта ўзбек оиласи эҳтиёжи учун нимаики зарур бўлса, барини жойлаштиришга ҳаракат қилинган. Дарвозанинг ўнг тарафида икки метрли омборхона, битта қўчқор сиғадиган қўйхона, ўтинхона. Рўпарада уч хонали уй. Уйнинг чап томонида ошхона ва тандирхона. Манзарани кўриб, хаёлимдан “Неча йиллардан бери шундай шароитда яшаб келаётган оила аъзоларининг аҳиллигига, сабр-қаноатига балли-ей!” деган фикр ўтди.*

**– Оилада неча киши яшайсизлар?**

– Ўндан ортиқ...

**– Қизларингиз меҳмонга келишса, бу уйга қандай сиғасизлар?**

– Ҳа энди, қийинчилик кузнинг охири, қиш ва баҳорнинг бошланишида... Кейин ёз. Ёзда эркаклар ҳовлида тунасак ҳам бўлаверади.

Бу жавобдан кейин яна эзмаланиб бирор нарса сўрашга ҳожат қолмаган эди. Сукунатни мезбоннинг ўзлари буздилар:

**– Истасангиз, Маҳмуд отадан қолган уйни ҳам бир кўринг. Бу ерга ҳозир бошқа бир оилани жойлаштиришган...**

*Ҳовлига киргач, амин бўлдикки, бу манзил учун юқоридаги таърифлар ҳам холва экан.*

– Бир марта жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилади, – сўзида давом этди домла. – Бу уй ҳам шундай, мухбир укам. У нафақат қаровсизликдан, балки ноҳақ тортишувлардан, жанжаллардан нураб боряпти. Эҳ, бу курсига ёпишган нодонлар билмайдики, дунёда ҳар нарсанинг уволи борлигини. Ҳатто, жонсиз кўринган шу кулбанинг ҳам...

*Назаримда, кекса муаллимнинг бу жайдари фалсафасига изоҳ ортиқча эди.*

* * *

Низоли уй... тўғрироғи, кулба неча йил ташландиқ, каровсиз аҳволда ётди. Кекса муаллимнинг ўзи катта ғамхўрликка муҳтож бўлиб турган бир пайтда ҳокимликдаги мутасаддилар савоб қилгани четдан одам қидириши шартмиди? Ваҳоланки, қарияларни ўн уч йил оқ ювиб, оқ тараган Кабиров домланинг маънан ва қайсидир маънода ҳуқуқий ҳаққи йўқмиди ушбу кулбада?

Айни пайтда Президентимиз олиб бораётган халқпарвар сиёсатнинг бош омилларидан бири – инсонларга яхшилик қилиш, ёш авлодга узоқ йиллар кўз нури, қалб қўрини сарфлаган устозларни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш эмасми?

**Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ,**
**“Тошкент ҳақиқати” мухбири**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

## Эълон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 124-сон Фармонига асосан Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондини Олий Мажлис ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди таркибидаги ягона вертикал тизимда ташкил этиш мақсадида қўшилиб, жамоат фондлари ўрнида Олий Мажлис ҳузурида “Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди” ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида алоҳида бўлинмалари ташкил этилаётганлигини маълум қиламиз.

**Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**

### Мактабдан мактублар

# Жаҳолатга қарши – маърифат билан



**Бекобод шаҳридаги 3-умумтаълим мактабида Республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ҳамкорлигида “Жаҳолатга қарши – маърифат билан” мавзусида ота-оналар, ўқувчилар ва диний ташкилот вакиллари иштирокида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

– Бугунги кунда ёшларимизни турли ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, уларга илм ва маърифат билан тўғри йўл кўрсатиш асосий вазифамиздир, – дейди уюшма раисининг биринчи ўринбосари Муҳаббат Шербўтаева.

Тадбирда ўқувчиларга уюшма томонидан тайёрланган Янги Ўзбекистон ғоясини акс эттирувчи кўргазма намойиш этилди.

*Султонбой ДЕҲҚОНОВ*
*олган сурат*

### Моҳият

**Қаерда эмас, қандай илм олиш муҳим.**

* * *

**Тирикчилик илм олмасликка баҳона бўлолмайди.**

* * *

**Илмсиз кишилар ҳеч қачон илмли кишилар билан тенг бўла олмайди.**

*Шарқ ҳикматлари*

### Шанба табассуми

# ЧИРОҚСОАТ ёхуд собиқ мухбирнинг мактуби

Ҳурматли таҳририят!

Сизга қишлоғимиздаги ажойибу ғаройиб бир ҳолатни ёзиб, юбормоқдаман.

Биз томонларда соат деганларини умуман ишлатишмайди. Вақтни чироқнинг ўчиш-ёнишига қараб белгилашади.

Масалан, мана бундай:

– Чироқ ўчгандан кейин ярим соат ўтгач, Абдунабини йўқлаб борсам, ухлаб қолган экан...

– Чироқ ёнишига бир соат қолганда, тўйга айтиб борсам, Эргашали тарвуз сўйяпти экан...

– Чироқ ўчмасидан икки соат аввал Ҳомиджонни кўрдим, битта бутилкани қўлтиғига қистирволиб, божасиникига кетаётганакан...

Агар ғалчароқ одам бўлса, “Қачон, қачон? Соат неччида деди?” деган саволларни қаторлаштириши турган гап.

Бизнинг қишлоқда чироқ эрталаб олтидан тўққизгача, кечқурун еттидан ўнгача ёнади. Энди, ўша ғалча, арифметикадан озгина хабари бўлса, Абдунаби неччида ухлади, Эргашали қачон тарвуз сўйди, Ҳамиджон битта бутилкани қўлтиғига қисганча қай маҳал божасиникига отланди – ҳамма-ҳаммасини ҳисоблаб, билиб олади! Мабодо, арифметика жониворни пахтазорда ўқиган бўлса, келсин, беш-ўн кун қишлоғимизда турсин, вақтни ҳамқишлоқларимиз қатори “точно” айтадиган бўлади.



Ана шунақа гаплар!

Дарвоқе, бу фельетончани кеча кечқурун чироқ ўчишидан ўн беш минут олдин ёзиб тугатдиму, бир пайтлар ўзим жавлон уриб ишлаган қадрдон “Тошкент ҳақиқати” газетасига жўнатдим.

Энди сизга савол, шунда соат неччи бўлади?

**Саид Анвар МУҚИМОВ,**
**“Тошкент ҳақиқати”нинг пенсиядаги мухбири**





TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay’ati raisi)
Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Sirojiddin ESHQUVVATOV
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Behzod QOBULOV
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona: (55) 520-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10
Mas’ul kotib: (55) 520-05-10
Bo‘lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi: (55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib: Alloma AZIZOVA
Navbatchi: Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 18:40
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-935.
3 025 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.
**ISSN 2010-9318.**

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.**

1 2 3 4 5 6